

## Чивин ҳақида нималарни биламиз?



11:00 / 14.06.2022 4471

Ҳар йили шерлар ҳужумидан 100 нафар одам вафот этса, чивин чақиши сабабли 700 миллионга яқин одам касалланса, шундан тахминан 2 миллион атрофидаги одам вафот этар экан.

Биз зикр қилаётган чивин безгак чивини бўлиб, безгак касаллигининг тарқалишига сабаб бўлади.

Чивиннинг дунё аҳолисига етказадиган зарарини кўряпсизми?

Шу митти жонзот инсониятнинг ҳалокатига арслонлардан кўра кўпроқ сабаб бўлар экан.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда чивин ҳақида оят нозил қилганини билармидингиз?

У Зот Қуръони Каримда шундай деб марҳамат қилган:

**«Албатта, Аллоҳ чивин ва ундан устунроқ нарсаларни мисол қилиб келтиришдан уялмас. Бас, иймон келтирганлар, албатта, у Роббларидан келган ҳақлигини билурлар. Аммо куфр келтирганлар: «Аллоҳ бу мисолдан нимани ирода қилди?» – дерлар. У Зот ўша билан кўпчиликни залолатга кетказар ва кўпчиликни ҳидоятга солар ва у билан**

фақат фосиқларнигина залолатга кетказар» **(Бақара сураси, 26-оят).**

Демак, чивин арзимас нарса эмас экан. Аллоҳ таоло уни Қуръони Каримда бежизга зикр қилмаган.

Расмда безгак чивини акс этган.

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзининг ҳидоятидан айирмасин ва хотимамизни чиройли қилсин!

**Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади**